# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Натижада машғулотларнинг амалий йўналиши, уларнинг меҳнат коллективлари конкрет ишлари билан боғланиши яхшиланди. Шунинг натижаси ўлароқ экспериментал мактабларда ўқув йили анча уюшқоқлик билан ўтди ҳамда тингловчиларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишга қизиқиши анча ўсди, унинг амалий ишлардаги самараси ошди.

Корхоналар ва хўжаликларда ижтимоий-сиёсий марказлар барпо этиб, партия, комсомол ва иқтисодий ўқувни ана шу жойларда мужассамлаштирган, уларни техника воситалари билан жиҳозлаб пропагандистлар билан мустаҳкамлаган Наманган области партия ташкилотларининг тажрибаси диққатга сазовордир.

Бироқ умуман республикада сиёсий ва иқтисодий таълимнинг аҳволи шу куннинг талабларига ҳали жавоб бермайди. Машғулотларни уюштиришдаги расмиятчилик, хўжакўрсинлик ҳамон кенг тарқалган ҳодиса бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳаёт раҳбарлар, пропагандистларнинг назарий тайёргарлигига алоҳида юксак талаблар қўймоқда. Республикада ҳар беш раҳбар ходимдан биригина олий партиявий сиёсий маълумотга эга. Илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг кўпгина партия ташкилотлари коммунистлар сиёсий савиясини оширишни зарур деб ҳисобламаяптилар.

Маълумки, партия XXVII съезди сиёсий ва иқтисодий ўқишни қайта қуриш зарурлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг «1986—1987 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўрганиладиган курсларнинг сони бирмунча камайтирилди, ўқиш формаларини танлашда, коллективларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тингловчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти характеридан келиб чиқиб, мактаблар ва семинарларни комплектлаш принципларини қўллашда партия комитетларининг мустақиллиги оширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетларига тавсияномалар юборди, сиёсий ўқиш ташкилотчиларини ўқитишни уюштирди. Эндиликда ана шу йўл-йўриқларни амалга ошириш юзасидан амалий ишлар зарур. Бу ишлар партия комитетларининг кундалик контроли остида бўлиши керак.

Лекция пропагандаси, оғзаки ва кўргазмали агитация тубдан қайта қуришни ва активлаштиришни талаб қилади. Совет кишиси — маълумотли, маданиятли киши. У билан умумий гаплар билан чекланиб, ўйламай-нетмай қуруқ тилда гаплашиб бўлмайди. Агитация-оммавий ишлар формаларини қайта кўриб чиқиш, бу ишлар марказини бевосита меҳнат коллективларига кўчириш зарур.

Ғоявий-назарий фаолиятни кучайтирмай туриб жадаллаштириш, қайта қуриш, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш йўлини амалга ошириб бўлмайди. КПСС XXVII съездининг марксизм-ленинизмга оид тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашидаги нутқида ривожлантирди.

Инсонни маънавий камол топтиришда бадиий зиёлиларнинг роли ғоят муҳимдир. Унинг энг яхши намоёндалари партия ва халқ ҳал этаётган ишлардан ҳеч қачон ўзларини четга олмаганлар. Ижодий ходимларимиз активида чинакам истеъдод билан ёзилган, юксак партиявийлик ва ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган, кўп миллатли совет маданиятининг энг яхши анъаналарини давом эттираётган асарлар бор.

Бу анъаналар бугун янада ривожлантиришни талаб қилмоқда. Партия ва халқ янги тарихий вазифаларни ҳал этишга киришган шароитда, маданият арбоблари ана шу жўшқин жараённи ёрқин истеъдод билан яратилган асарларда акс эттиришлари, бу жараённинг жадаллашувига ёрдам беришлари керак. Уларнинг фаолиятини жиддий қайта қуриш талаб қилинади. Энг аввало яқин ўтмишда республикада ҳукм сурган дабдабабозлик, хўжакўрсинлик, хотиржамлик ва принципсизлик шароити бадиий ижодга олиб кирган барча зарарли сохта нарсалардан воз кечиш, қутулиш лозим. Ана шу шароит ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш, хом китоблар, фильмлар, спектакллар, картиналарни келтириб чиқарди. Халтурага, мансабпарастликка мойил бўлган, мавзунинг долзарблигидан фойдаланиб қоладиган, виждони келишувчиликка йўл қўядиган авторлар пайдо бўлди.

Маданият тўғрисидаги партиявий ғамхўрликни ёзувчи, композитор, рассомнинг изланишларига нисбатан ҳурмат, эҳтиром, адолат ҳамда холис ниятдан ва айни пайтда ҳаёт ҳақиқати ёки коммунистик ахлоқ нормаларига синфий, партиявий баҳо беришдаги қандайдир чекинишлар тўғрисида гап борганида — талабчанликдан ажратиб бўлмайди. Агар ана шундай муҳит етишмаса ижодий жўшқинлик сўзсиз бўшашиб кетади.

Ёш ижодкор ўринбосарларни тайёрлаш алоҳида ғамхўрликка муҳтождир. Масалан, композиторлар союзи аъзолари орасида ёши ўттизга етмаганлар атиги бир процентни ташкил этиши, истеъдодли ёшлар ўз асарларини нашриёт планига киритишлари, фильмларини суратга олиш ёки пьесаларини саҳналаштиришлари, кўргазма ташкил этишлари баъзан ғоят қийин бўлаётганлиги ташвишлантирмай қолмайди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижодкор ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорнинг ижроси ижодий союзлар, партия комитетлари, маданият органларининг ҳамиша диққат марказида бўлиши керак.

Маданият ва санъат муассасалари фаолияти учун партия комитетларининг жавобгарлигини ошириш керак. Асарлар, фильмлар, спектаклларнинг ғоявий-бадиий савияси, ижодий союзлар ва ташкилотлардаги маънавий-сиёсий вазият область, шаҳар ва район партия комитетларининг доимий диққат марказида бўлиши лозим.

Жамоатчилик фикрини шакллантиришда, омманинг онгини қайта қуришда, ҳар куни миллионлаб совет кишиларига аталган матбуот, телевидение, радио жуда катта роль ўйнайди.

Республикада марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, болалар учун китобларни, атеистик китобларни нашр этиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Ҳамзанинг, демократ-шоирлар Муқимий ва Фурқатнинг китоблари турли сарой шоирларининг китобларидан кам нашр этилганлиги фактининг ўзи ҳам нашриётларимиз кишиларга қандай ҳаётий йўл кўрсатаётганлигидан яққол далолат бериб турибди. Яқин ўтмишда Ш. Рашидовнинг тўртта китоби 135 марта бир миллион нусхадан кўпроқ нашр этилди.

Кўпгина нашрлар, дарсликлар, журналлар, маҳаллий газеталарнинг полиграфик ижроси ҳеч қандай танқидга чидаш беролмайди. Китоб савдоси ҳам жуда ёмон йўлга қўйилган.

Республиканинг кўпгина оммавий ахборот органлари ишида ҳали ҳам ошкоралик, камчиликларни танқид қилиш даражаси марказий матбуотдагидан орқада, кўпгина мақолалар ва эшиттиришлар сийқа ва ҳаётдан ажралиб қолган.

Республика телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети фаолиятида чинакам чуқур ўзгаришлар сезилмаяпти. Эшиттиришлар программасида мазмуни бўш, насиҳатгўйликдан иборат суҳбат ва чиқишлар катта ўрин олмоқда, сифати унчалик бўлмаган кўнгил очар эшиттиришларга асоссиз равишда кўп вақт ажратилмоқда.

Оммавий-ахборот воситалари чиқишларининг таъсирчанлигини қатъият билан ошириш партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Бу соҳада ҳали манфаатпарастлик кўринишлари, лом-мим демай ўтиш, танқидни бўғиш ва танқид учун таъқиб этиш кўринишлари ҳали кам эмас.

Область, шаҳар ва район газеталарининг ишида шу вақтгача ўзгариш деярли бўлгани йўқ. Улар ҳануз биринчи шахс кўрсатмалари билан иш тутмоқдалар. Проблемаларни мустақил ва дадил кўтариб чиқмаяптилар, бундай масалаларни ўртага қўяётган бўлсаларда, партия органлари уларни ҳамиша ҳам тегишлича қўллаб-қувватламаяпти. Айрим жойларда партия комитетлари матбуот ишини бир қолипга солиб қўйганлиги, нима ҳақида қандай ёзиш кераклигини, нима ҳақида умуман ёзмаслик кераклигини редакцияга кўрсатиб бераётганликларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Партия комитети майда-чуйда ишларга васийлик қилавермай ва тирноқ ичидан кир қидирмай, ўз матбуоти органига ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлаши лозим. Область партия комитетининг «Сирдарьинская правда» газетасининг ишларига аралашмаслик позицияси катта хато ва нуқсонларга, редакция коллективининг бўшашиб кетишига олиб келди. «Советская Бухара» редакциясида ҳам аҳвол ана шундай. Область партия комитети эса аҳволнинг тагига етиб уни нормаллаштириш учун узоқ вақтгача таъсирчан чораларни кўра олмади. Худди шу боисдан ҳам оммавий ахборот воситаларига доимий эътибор бермоқ керак. Ишларнинг аҳволидан журналистларни мунтазам хабардор қилиб туриш, уларнинг ўткир мақолаларини қўллаб-қувватлаш, танқидни бўғишга йўл қўймаслик, журналистларнинг ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Оммавий пропаганда ва ахборот воситалари, идеология муассасалари буржуазия идеологиясига қарши курашни кучайтиришлари лозим. Сўнгги вақтда Ўзбекистон учун берилаётган чет эл эшиттиришлари ҳажми кўпайди. Маҳаллий аҳоли орасида диний-миллатчилик кайфиятларини туғдириш, халқлар дўстлигига путур етказиш мақсадида тухмат кампанияси авж олдирилди. Вазифа—реал социализмнинг ютуқлари ва афзалликларини ишонарли қилиб кўрсатиб беришдан, империализмнинг халқ манфаатларига зид, одамгарчилик нималигини билмайдиган характерини, уларнинг эксплуататорлик моҳиятини очиб беришдан иборат. КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, совет давлатининг уруш хавфини бартараф этиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги қатъий ҳаракатларини кенг пропаганда қилиш жуда муҳим.

Идеология курашининг кучайганлиги Тошкент радиосининг чет элга эшиттиришларини, республика ташқи ишлар министрлиги, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти, «Ватан» жамияти, «Совет Ўзбекистони» журнали, «Ойдин» газетаси, «Радуга» нашриётининг филиали ишларини жиддий равишда яхшилашни талаб қилмоқда.

Партия XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, идеология соҳасидаги куч-ғайратлар заминдаги, амалий асосдан ажралиб қолмаслиги керак. Тарбиявий иш одамлар ҳаётий фаолиятининг барча томонларини — меҳнат ва турмуш шароитларини, хизмат кўрсатиш соҳасини, дам олиш, соғлиқни сақлаш соҳаларини, хуллас кишиларнинг аҳволи ва кайфияти боғлиқ бўлган ҳамма соҳаларни қамраб олган жойларда ана шу ишда мустаҳкам натижаларга эришади.

КПСС XXVII съезди жадаллаштириш жараёнини кучли **социал сиёсат** билан чамбарчас боғлади. «Бутун инсон омилини биз мана шундай сиёсат орқали активлаштиришимиз лозим... Ўшанда биз олға борамиз, ўшанда жадаллаштиришга эришилади» — деган эди М. С. Горбачев.

Бизда социал проблемалар айни мана шундай ҳал этилаётган коллективларнинг муносиб намуналари бор. Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг бош корхонасида цехлар реконструкция қилинган, меҳнат шароитлари яхшиланган, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари барпо этилган, маиший хизмат кўрсатиш комплекси ва медицина-санитария қисми очилган.

Бироқ, умуман шуни эътироф этиш кераки, республиканинг социал ривожланишида жиддий қолоқликка йўл қўйилган, партия, совет, хўжалик органлари эса бунга сўнгги вақтларгача ҳам етарли эътибор бермай келдилар. 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш юзасидан партия съезди ўртага қўйган вазифа биз учун алоҳида ўткир ва актуал вазифадир. Ҳозир Ўзбекистонда 240 минг оила квартирага, 71 минг киши эса болалар боғча ва ясилиларига навбат кутиб туришибди, умумий овқатланиш, транспортнинг иши қониқарсиз ташкил этилган. Маиший хизмат кўрсатиш, кутубхоналар ва клублар билан таъминлаш жиҳатидан Ўзбекистон мамлакатда охирги ўринни эгаллаб турибди.

Йил бошидан буён меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини 110 минг мартадан зиёд бузиш ҳоллари аниқланди. Химия саноати, машинасозлик корхоналарида санитария-маиший хоналар етишмаяпти. Фермаларда ва чорвачилик комплексларида одамларнинг иш шароитлари танқид қилишга ҳам арзимайди.

Касаба союз ташкилотлари мана шу барча жиддий проблемаларга панжа орасидан қарамоқдалар. Корхона касаба союзларидан тортиб республика касаба союз комитетларигача ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советигача меҳнаткашларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ва изчиллик билан ҳимоя қилишлари, Михаил Сергеевич Горбачев Краснодарда сўзлаган нутқида образли қилиб айтганидек, ҳар қандай даражадаги раҳбарлар билан қўлтиқлашиб рақсга тушмай, балки уларга қатъий сўз айтишдан, тегишли талаблар қўйишдан чўчимасликлари керак.

Яқинда Марказий Комитет бюроси соғлиқни сақлашдаги аҳволни кўриб чиқди. Бу соҳадаги аҳвол умуман қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Кўпгина медицина ходимлари орасида профессионал савиянинг пастлиги намоён бўлмоқда, профилактик ишлар яхши эмас, беморларга нисбатан тамагирлик, эътиборсизлик ҳоллари мавжуд. Республикада болалар ва кўзи ёриган аёллар орасида касалга чалиниш ҳоллари кўп бўлмоқда, юқумли гепатит касаллиги тарқалган. Ишлаб чиқаришда ва турмушда зарур коммунал хизматларнинг йўқлиги, санитария қоидаларига зид аҳвол, меҳнат ва дам олиш режимини бузилиши шундай ташвишли кўрсаткичларга олиб келдики, ўтган йилнинг ўзидагина 37 миллиондан кўпроқ киши куни касаллик туфайли зое кетди, касаллик варақалари бўйича 230 миллион сўм тўланди.

Мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби республикамиз учун ғоят ўткир бўлган сиёсий, иқтисодий ва социал проблемани ҳал этиш ҳам меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ. Биз бу проблемани республика партия-хўжалик активида батафсил муҳокама қилдик, унда республика Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров кескин танқид қилинди. Унга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи махсус ҳукумат комиссиясига бошчилик қилиш топширилди. Бироқ, шу комиссия узил-кесил хулоса чиқармаганини, қониқарсиз ишлаётганини яна бир марта таъкидлашга тўғри келади.

Маҳаллий Советларнинг кўпгина ижроия комитетлари халқ маорифи ишини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар, мактаблар қуриш ва уларни жиҳозлаш, ўқитувчилар учун маиший ва маданий шароитлар яратиб бериш билан шуғулланмаяптилар. Министрликлар ва идоралар, партия комитетлари, ижроия комитетлари мактабга, билим юртларига, техникумларга ва олий ўқув юртларига ўз муносабатларини ўзгартиришлари керак. Таълим ва тарбия ишини умумхалқ, умумпартия иши деб билиш лозим. Госплан партия XXVII съезди кўрсатмаларига мувофиқ равишда узлуксиз таълимнинг ягона системасини ишлаб чиқиш борасидаги ишларга бошчилик қилиши ва уни Марказий Комитетнинг муҳокамасига тақдим этиши керак.

Интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари ҳамиша партия комитетларининг, идеология активларининг диққат марказида бўлиши керак. «Миллий сиёсатга тааллуқли, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий туйғуларига дахлдор бўлган ҳамма ишларда айниқса ҳушёр ва сергак бўлиш ва айни чоғда қандай либос кийиб олганлигидан қатъий назар, миллий чекланганлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши принципиал курашиш — партиямизнинг Ленин бошлаб берган анъанасидир», — деб таъкидланган эди КПСС XXVII съездида.

Дўстлик ва қардошлик туйғулари ҳар бир инсонга хос бўлишидан бизнинг жамиятимиз астойдил манфаатдордир. Ленин васиятларига оғишмай амал қилиш, уларни янги шароитларда ижодий қўлланиш бу ишдаги бош вазифадир.

Рус тилини чуқур билмай туриб, жадаллаштириш проблемаларини ҳал этиш мумкин эмас, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни ривожлантириб бўлмайди, кўп миллатли совет маданияти ютуқларидан фойдаланиб бўлмайди, техникани эгаллаб бўлмайди. Рус тили совет турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб қолди ва у СССР халқларининг миллатлараро алоқаларини мустаҳкамлашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Партия ва совет раҳбарлари баъзан бу муҳим масаладаги ўз фаолиятсизликларини объектив сабаблар деб аталмиш сабаблар билан, яъни малакали ўқитувчилар етишмаслиги, тил муҳитининг йўқлиги ва шу кабилар билан хас-пўшлайдилар. Яқинда биз медицина институти массивида истиқомат қилувчи оилалардан, асосан ўзбеклардан иборат 200 оиладан хат олдик. Бу оилалар узоқ вақтдан буён ўз фарзандлари учун рус тилида ўқитиладиган мактаб очилишига эриша олмаяптилар. Хўш, Тошкентда ҳам кадрлар ёки тил муҳити йўқми?!

Маориф министрлиги, олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, ҳунар-техника таълими Давлат комитети, фанлар академияси манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда «рус тили» комплекс программасини ишлаб чиқишлари, тилни тез ва мустаҳкам ўзлаштириб олиш юзасидан мамлакатимизда ва ва республикамизда тўпланган тажрибани умумлаштириб, миллий мактабнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу тажрибани сабот билан жорий этишлари керак. Рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш практикасини тубдан қайта кўриб чиқиш, бу соҳадаги фаолиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш лозим.

Тарбиявий ишлар комплексида маданий-маърифий ва спорт — соғломлаштириш ишига катта роль ажратилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг клуб муассасалари ва спорт иншоотлари тўғрисидаги қарори бу ишни сезиларли равишда жонлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Ҳозир мавжуд имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Кўпгина раҳбарлар юзлаб клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, музейлар мослаштирилмаган ва ҳатто авария ҳолидаги биноларда жойлашганлигини ҳали ҳам кўришни истамаяптилар. Клубларнинг анча қисми ёпиб қўйилган, ёшлар спорт майдонларига кам келадилар. Ваҳоланки, ана шу муассасаларда салкам 35 минг киши ишлайди. Кутубхоналар ва музейларда тўпланган жуда катта маънавий бойлик тегишли самара бермаяпти.

Физкультура — оммавий ва спорт ишлари аҳволи ҳам бизни қониқтирмайди. Кўпгина физкультура коллективлари фақат қоғоздагина мавжуд, оммавийлик ва маҳорат секинлик билан ошмоқда.

Республика ДОСААФ Марказий Комитети ўзининг оммавий мудофаа ташкилоти сифатидаги вазифаларини тўлароқ бажариши лозим. Ҳарбий-амалий спорт турларини амалга оширишга, бошланғич ҳарбий тайёргарликни яхшилашга, ёшларни билим юртларига танлаб олишга, жанговар анъаналарни пропаганда қилишга уруш ветеранларини, интернационалист — жангчиларни тағин ҳам кўпроқ жалб этиш лозим.

Марказий Комитет совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларидан маданият ва спорт проблемаларига эътиборни қаратишни талаб этади. Бу кўнгилхушлик эмас, балки шахсни маънавий ўстириш ва жисмоний камол топтириш, халқ соғлиғини мустаҳкамлаш манбаи, социал ривожланишнинг ғоят муҳим воситаларидан биридир.

Ҳозирги ва эртанги вазифаларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан биз ҳозир қандай ёшларни тарбиялашимиз билан белгиланади. Республика аҳолисининг кўп қисми 30 га тўлмаган ёшлардир. Мана шу ишларнинг ҳаммасида партиянинг ёшлар ўртасидаги ишида жанговар ёрдамчиси, совет ёшларининг авангарди — комсомол асосий роль ўйнайди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, унинг бюроси, биринчи секретари Д. Дадажонова ишларни яна ҳам зўр ғайрат билан қайта қуриб, кампаниячилик ёндашувларидан, дабдабабозликдан воз кечишлари керак. Комсомол инсонни бутун умр бўйи ғоявий қуроллантириш учун комсомол ташкилотларининг иши изланиш характерида, қизиқарли ва мароқли бўлиши керак.

Иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этиш меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш, одамларнинг онги ва хулқ-атворидаги қолоқ, зарарли сарқитларни бартараф этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги йилларда республикада бу иш бўшаштириб юборилди, айрим шаҳар ва районларда эса мутлақо ҳеч иш олиб борилмади. Диний хурофотлар хавф-хатарини менсимаслик, атеистик тарбияни сафсатабозликдан иборат шиорлар билан ниқоблаш, динга тоқат қилиш ва ҳатто диндорларга ошкора йўл қўйиб бериш диннинг, айниқса ислом динининг кучайиб кетишига олиб келди.

Ҳозир дин илм-фанга зид дунёқарашнинг шунчаки бир кўриниши бўлмай қолди. Дин кўпинча патриархал турмуш тарзининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилмоқда, социал жараёнларга салбий таъсир ўтказмоқда, салбий ҳолатларнинг оқибатлари тагтомири билан тугатилишига, маънавий-психологик вазиятни соғломлаштиришга қарши ҳаракат қилаётган, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш борасида республикада амалга оширилаётган ишларни оз бўлмаса миллатга қарши кампания, деб кўрсатишга уринаётган кимсаларнинг ҳаммаси динни ниқоб қилиб олмоқда.

Ҳолбуки, республикамизда диннинг, айниқса ислом динининг зарарли эканлигини кенг тушунтириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Бунинг натижасида диний маросимлар камаймаяпти. Ёшлар, хотин-қизларнинг талайгина қисми, зиёлиларнинг баъзи вакиллари мусулмон анъаналарига асир бўлиб қолмоқдалар. Ҳатто ВЛКСМ аъзолари диний никоҳдан ўтмоқдалар. Оламдан ўтганларнинг кўпчилиги, шу жумладан КПСС аъзолари ҳам диний ақидаларга биноан дафн этилмоқдалар.

Кўпгина реакцион анъаналар ва маросимлар қайта тикланиб, кенг оммалашиб кетди. Рўйхатга олинмаган руҳонийларнинг ўтакетган экстремист қисми социалистик турмуш тарзи нормаларига қарши чиқиб, совет қонунларини қўпол равишда бузмоқда.

Амалда ҳар бир аҳоли пунктида, маҳаллада ўрнашиб олган қаллоблар ўзларини руҳоний қилиб кўрсатиб диний ақидаларни бемалол тарғиб этмоқдалар, табиблик билан шуғулланмоқдалар, диний мазмундаги китобларни, магнитофон ёзувлари ва видеофильмларни тарқатмоқдалар. Одатда бундай шахслар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, текинхўрларча яшайдилар. Диний афкор омма қарор топтираётган оилавий турмуш маросимларининг, айниқса тўйлар ва дафн маросимларининг серҳашамлиги кишиларни меҳнатсиз даромадлар излашга ва ўғирликларга ундовчи сабабларнинг бири бўлмоқда.

Халқ ана шуларнинг ҳаммасидан чарчади. Меҳнаткашлар айниқса дафн маросимлари ва тўйларда иона йиғишдан иборат тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келаётганлиги тўғрисида, диний маъракаларда қатнашишдан бош тортаётган кишилар теварагида уларни яккалаш ва қоралаш муҳити яратилаётганлиги ҳақида хабар қилмоқдалар.

Етилган социал проблемаларни ҳал этишдаги қолоқлик, одамларнинг талабларини ва ортиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга эътиборсизлик диний хурофотларга қарши курашга таъсир ўтказмоқда.

Бизнинг синфий мухолифларимиз ўзларининг душманликдан иборат пропагандасида диний-миллатчилик кайфиятларини авж олдиришга умид боғлаётганларига ҳам етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Аммо бизда империалистик ва мусулмон реакциянинг диндан советларга қарши мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларга нисбатан хотиржамлик ва беғамлик қилинмоқда. Оммавий ахборот, оғзаки пропаганда воситалари ислом динининг реакцион моҳиятини чуқур, асосли танқид қилишга зарур эътибор бермаяпти. Бадиий, публицистик асарларда, кинофильмларда кўпинча тарих ва маданиятнинг ролига синфий баҳо берилмайди.

Коммунистларнинг, шу жумладан, партия ходимларининг талайгина қисми ҳам динга тилёғламалик қилиб, у буюрадиган расм-русумларга риоя этаётганлиги айниқса ташвишлантиради.

Динга қарши чиқишга журъат этган кишилар теварагида баъзан тоқат қилиб бўлмайдиган шароитлар вужудга келтирилмоқда. Бундай ишларнинг ҳаммаси партия органларининг йўл қўйиб бериши билан қилинмоқда.

«Жиззах область партия комитети ва шахсан унинг секретари И. С. Умаров давлатдан ўғирланган маблағ ва камчил бинокорлик материаллари билан мачит қурилишига кўмаклашган шахсларни узоқ вақтдан бери масъулиятга тортилишдан зўр бериб ҳимоя қилиб келмоқда. Биз буни область партия комитетига яна бир бор, аммо ўйлайманки, сўнгги марта эслатиб қўймоқдамиз».

Бизнинг кўпгина раҳбарларимиз, партия, совет, комсомол ходимларимиз, пропагандистларимиз, агитаторларимиз атеистик ишда шахсан қатнашишдан қаттиқ бўйин товлайдилар, мусулмон дини ақидаларининг шариат буюрган қонун-қоидаларнинг реакцион моҳиятини аҳоли олдида ошкора танқид қилишдан ўзларини олиб қочадилар, ҳатто умуман кўпинча «ислом» сўзини ишлатмасликка ҳаракат қиладилар.

Партия ташкилотларининг атеистик ишга ёндашувларини тубдан ўзгартириш зарур. Партия комитетлари ва ташкилотларининг биринчи секретарлари атеистик ишга бошчилик қилишлари, ўз оилаларида, истиқомат жойларида социалистик турмуш тарзига ёт бўлган қарашлар ва расм-русумларни бартараф этишда актив қатнашиб, шахсий ўрнак кўрсатишлари лозим. Бунинг учун барча коммунистларга нисбатан талабчанликни ошириш зарур. Динга тоқат, муросасозлик, лоқайдлик, тилёғламалик қилиш каби ҳар қандай факт партияга аъзо бўлишга тўғри келмайдиган ҳол, деб қаралиши керак.

Ҳаёт муттасил олға бораверади, янгилик воқелигимизга тобора кенгроқ кириб келаверади ва қарор топаверади. Ўлкамизда хотин-қизлар масаласини ҳал этишда чинакам революцион ўзгаришлар юз берди. Келгуси йилда биз «Ҳужум»нинг 60 йиллигини нишонлаймиз. Хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг ютуқлари тўғрисида гапиришга эҳтиёж йўқ, бу ютуқларни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Аммо, мана шундай вазиятда хотин-қизларга нисбатан бой феодалларча муносабатнинг айрим кўринишлари жирканчлиги яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Партия, совет, жамоат ташкилотлари тегишли зарба бермаганлиги туфайли бир қанча районларда қалин бериш шаклида қизларни сотиш ва сотиб олишнинг яширин тури давом этмоқда. Оилада хотин-қизларни камситиш, уларнинг шарафи ва қадр-қимматини менсимаслик ҳоллари кўп.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик ходимлари хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишга оғизда эмас, балки амалда қатъий қарши курашишлари лозим. Ҳар бир шундай фактни партия комитетлари бюросида, ижроия комитет мажлисларида махсус равишда муҳокама қилиш, уларга принципиал баҳо бериш керак. Хотин-қизлар орасида ҳуқуқ пропагандасини кучайтириш, турмуш маданияти университетлари ишини яхшилаш, амалда партия комитетларининг ёрдамчиси бўлиши лозим бўлган хотин-қизлар советларининг роли ва аҳамиятини ошириш талаб қилинади.

Оилалар билан истиқомат жойларида иш олиб боришга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, маҳалла ва уй комитетларини эски урф-одатларга қарши муросасиз курашга сафарбар этиш, уларни аттестациядан ўтказиш, коммунистлар, комсомол активлари, илғор зиёлилар намоёндалари билан мустаҳкамлаш лозим.

Партия ташкилотлари коммунистик ахлоққа, совет турмуш тарзига зид бўлган ҳамма нарсаларга қарши курашга оддий меҳнатчиларнинг мутлақ кўпчилигидаги, халқимиздаги соғлом маънавий потенциални сафарбар этишлари керак.

Идеология аппарати кишиларнинг, айниқса ёшларнинг онгидаги мешчанларча индивидуализм ва худбинликни, жамиятга истеъмол назари билан муносабатда бўлишни, ғаразгўйликни, манфаатпарастликни тугатиш юзасидан ҳужумкорлик билан иш олиб боришлари керак. Партия ташкилотлари коммунистик ахлоқ, ҳалоллик, коллективизм, виждонлилик, андишалилик, соддалик ва камтарликни пропаганда қилиш ва қарор топтириш, меҳнат аҳлини улуғлаш юзасидан конкрет йўналишларни ишлаб чиқишлари лозим.

Айрим маҳаллалардаги мустаҳкам консерватив муҳитни парчалаб ташлашда, салбий ходисаларга қарши курашда партия ва меҳнат ветеранлари кўп иш қилишлари мумкин.

КПСС XXVII съезди инсон омилини активлаштиришни социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг асосий шарти деб олға суриб, партия комитетлари ва ташкилотларидан бутун идеология ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, қайта қуришни амалга оширишни талаб қилди. Унинг моҳияти партия ташкилотларининг меҳнаткашларга очиқ-ошкора, тўғридан-тўғри, ҳалол мурожаат этишидан, ҳақиқатни, ошкораликни, ишларнинг аҳволига ва ўз ишига танқидий нуқтаи-назардан ёндашувни қарор топтиришдан иборат.

М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда айтганидек, одамларимиз меҳнат коллективида, районда, шаҳарда, областда, республикада, мамлакатда нималар бўлаётганлигини билиб туришлари, барча масалаларни ҳал этишга таъсир ўтказишлари, ўзларини хўжайин деб, умумий иш учун жавобгар деб ҳис этишлари керак.

Ҳар ойда ўтказилаётган сиёсий кунлар, Марказий Комитет секретарлари, бюроси аъзоларининг журналистлар билан мунтазам учрашувлари, матбуот ходимлари бу учрашувларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ишларнинг аҳволи тўғрисида батафсил ахборот олаётганликлари ана шунга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга ҳозир область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари тарбия масалаларига тағин ҳам қатъийроқ эътибор беришлари лозим.

Марказий Комитет мазкур пленумга тайёргарлик кўраётиб, кўпчилик область, шаҳар ва район партия комитетларида, кўпгина бошланғич партия ташкилотларида идеология ишларининг аҳволини ўрганди. Бундан бир хулоса келиб чиқади: қарорлар кўп қабул қилиняпти, ишнинг яхшиланаётганлиги эса ҳали кўринмаяпти. Кўп қарорларда конкретлик, адресларнинг аниқлиги йўқ, энг кўп деганда улар ишларнинг аҳволини қайд этади холос, аммо ишни тубдан қайта қуришнинг конкрет чора-тадбирларини белгилаб бермайди.

Партия комитетларининг баъзи идеология бўлимлари кўпдан-кўп планларни тузишга бирталай вақт сарфлайдилар, кейинчалик бу планлар уни ёзган кишиларнинг ғаладонларида қолиб кетади.

Ижтимоий турмушни янгилашнинг съезд ўртага қўйган вазифалари барча кадрларимизга нисбатан янги, янада юксак талаблар қўймоқда. Бу гап идеология активларимизга икки ҳисса тааллуқлидир. Чунки одамларни тарбиялашда пропагандист, лектор, агитаторнинг билимдонлиги ва шахсий камтаринлиги, унинг чуқур ғоявий эътиқодлилиги ва бу эътиқодни конкрет ишда амалий равишда рўёбга чиқариши, активнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат турмушидаги шахсий намунаси баб-баравар муҳимдир.

Республикада бу соҳаларнинг ҳамма участкаларини билимдон, серғайрат кишилар билан мустаҳкамлаш бўйича муайян иш олиб борилмоқда. Икки йил мобайнида Марказий Комитет идеология бўлимлари масъул ходимлари составининг 80 проценти, область, шаҳар, район партия комитетлари шу категориядаги ходимларининг 66 проценти янгиланди. Шаҳар, район партия комитетларининг идеология масалаларига раҳбарлик қилувчи секретарлари орасида партиявий-сиёсий маълумотга ёки илмий даражага эга бўлган кишилар сони қарийб икки баравар кўпайди. Идеология ходимлари аттестациядан ўтказилди, кейинги вақтларда улар учун семинарлар ва кенгашлар уюштирилди.

Бу соҳадаги ишимизда ҳам ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини тан олмоқ керак. Қашқадарё областида партия комитетларининг идеология билан шуғулланувчи 12 секретаридан атиги бир киши олий партиявий-сиёсий маълумотга эга бўлса, Навоий областида бундай секретарлардан бир киши ҳам олий партиявий-сиёсий маълумотга эга эмас. Пропаганда ва агитация бўлимларининг барча масъул ходимларидан Андижон областида атиги 7 проценти ва ҳатто пойтахт Тошкент областида бор-йўғи 8 проценти мана шундай тайёргарликка эга.

Партиявий-сиёсий фаолиятнинг шу энг муҳим участкаси беҳуда заифлашиб кетди. Шаҳар ва район партия комитетларида идеология масалаларига бевосита иккинчи ёки биринчи секретарлар раҳбарлик қилиш ҳоллари ҳаддан ташқари кам, битта-иккитагина учрайди. Марказий Комитет, область партия комитетлари бу масалалар устида тузукроқ ўйлаб кўришлари керак.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, қолаверса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари, Марказий Комитет секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ҳам кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда хато ва янглишишларга йўл қўяётганликлари, кадрлар тез-тез алмаштирилаётганлиги, резерв билан ишлаш ёмон йўлга қўйилганлиги ташвиш туғдирмоқда. Кейинги бир ярим йилнинг ўзида Марказий Комитет ва область партия комитетлари номенклатурасига кирувчи идеология ходимларидан 103 киши салбий сабабларга кўра эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди, ҳолбуки, уларнинг ярмига яқини Марказий Комитетнинг XVI пленумидан кейин кўтарилган эди.

Баъзи идеология муассасалари, газета редакцияларининг масъул ходимларини аттестациядан ўтказиш жараёнида кадрларнинг баъзилари эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги аниқланди.

(Давоми 3-бетда).

